



"O'ZBEKISTON SANOAT-QURILISH BANKI" AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI
АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК "УЗБЕКСКИЙ ПРОМЫШЛЕННО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ БАНК"

KENGASH YIG'ILISHINING MAJLIS BAYONI

К Ў Ч И Р М А

г.Ташкент

№ 2020/17

“08” июля 2020 год

Председатель собрания:

А.Воитов (дистанционно)

Участвовали:

Члены Совета:

Б. Абдиназаров (дистанционно)
Д. Сулпанов (дистанционно)
У. Мухтаров
Х. Мустафоев (дистанционно)
Ю. Айзуп (дистанционно)
А. фон Глайх (дистанционно)
Ф. Туинстра (дистанционно)
М. Якубов

Корпоративный советник

К. Алимов

Приглашённые:

Председатель Правления

Члены Правления:

С.Аннакличев
А.Акбаржонов, О.Вохидов

Руководители подразделений
Головного офиса банка

Б.Рахматов, Д.Каланов,
Ф.Рузиев, Ж.Агзамов,
Н.Хасанов, Б.Шоймардонов,
О.Назаров

В работе заседания Совета участвовали 9 членов Совета из 9 избранных, в том числе 4 независимых члена (Ю.Айзуп, А.фон Глайх, Ф.Туинстра, М.Якубов). Отдалённо в режиме online через каналы телевидеосвязи системы Zoom участвовало 7 членов Совета. Тем самым кворум заседания Совета был обеспечен.

Повестка дня заседания Совета:

6. О рассмотрении и утверждении “Эмиссионной политики АКБ “Узпромстройбанк” (новая редакция).

7. О рассмотрении и утверждении “Инвестиционной политики АКБ “Узпромстройбанк” (новая редакция).

8. О рассмотрении и утверждении “Положения об инвестиционном комитете

АКБ “Узпромстройбанк” (новая редакция).

18. Об увеличении уставного капитала СК ООО “PSB Insurance”.

19. О продаже доли банка в Уставном фонде ООО “Qurulish lizing”.

20. О покупке акций АО “Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана”.

23. О рассмотрении и утверждении “Дивидендной политики АКБ “Узпромстройбанк” (новая редакция).

Заседание Совета АКБ “Узпромстройбанк” избранного в новом составе открыл Корпоративный советник банка К.Алимов и сообщил следующее.

В соответствии с законами Республики Узбекистан “Об акционерных обществах и защите прав акционеров”, “О банках и банковской деятельности”, а также в соответствии с Уставом банка 9 июня 2020 года на внеочередном Общем собрании акционеров Банка был избран новый состав Совета. В данный момент на заседании Совета присутствует все избранные члены, в том числе 2 члена участвуют очно и 7 членов участвуют удаленно в режиме “on-line” через каналы телевидеосвязи системы Zoom. Для проведения заседания Совета кворум обеспечен на 100%.

Далее, Корпоративный советник банка К.Алимов зачитал список участников заседания и представил присутствующих друг другу, сообщил участникам заседания о том, что список вопросов повестки дня заседания Совета и разъяснительные материалы по ним членам Совета были направлены за неделю до дня заседания. Также он отметил, что предложений по изменению или возражений по повестке дня от членов Совета не поступало.

Учитывая вышеизложенное, было предложено приступить к обсуждению вопросов выдвинутых для обсуждения.

По-шестому вопросу повестки дня Председатель собрания предоставил слово начальнику управления Департамента Казначейства Ж.Агзамову. Докладчик ознакомил членов Совета с новой редакцией Эмиссионной политики АКБ “Узпромстройбанк”. Он отметил, что в новой редакции Эмиссионной политики АКБ “Узпромстройбанк” в отличие от старой политики было внесено и дополнено 65 пунктов в соответствии с нормами и требованиями Закона Республики Узбекистан “О банках и банковской деятельности” принятого 5 ноября 2019 года. Изменения и дополнения в политику в основной части касались требований предъявляемым к учредителям и инвесторам банка, требований по формированию его капитала, условий получения разрешения на приобретение и ограничения связанные с владением акциями банка. Обсудив политику члены

На основании вышеизложенного Правление Банка одобряя решение Инвестиционного комитета об инвестировании 10 (десяти) млрд.сум в акции акционерного общества “Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана” предлагает Совету банка утвердить данное решение с учетом снижения её до 8 млрд.сум Предложение поставлено на голосование.

По-двадцать третьему вопросу повестки дня Председатель собрания предоставил слово начальнику управления Департамента Казначейства Ж.Агзамову. Докладчик ознакомил членов Совета с новой редакцией “Дивидендной политики АКБ “Узпромстройбанк”. Также он отметил, что в новой редакции “Дивидендной политики АКБ “Узпромстройбанк” в отличие от старой политики были внесены дополнения и поправки в соответствии с нормами и требованиями Закона Республики Узбекистан “О банках и банковской деятельности”, принятого 5 ноября 2019 года. Изменения и дополнения в политику в основной части касались возможных ограничений по выплате дивидендов и распределению прибыли по указанию Центрального банка. Обсудив политику члены Совета банка предложили утвердить “Дивидендную политику АКБ “Узпромстройбанк” в новой редакции (приложение 20).

На основании Положения “О Совете АКБ “Узпромстройбанк и обсудив вышеперечисленные вопросы, входящие в его компетенцию Совет банка

РЕШИЛ:

6. Утвердить Эмиссионную политику АКБ “Узпромстройбанк” в новой редакции (приложение 5).

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

7. Утвердить Инвестиционную политику АКБ “Узпромстройбанк” в новой редакции (приложение 6).

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

8. Утвердить Положение “Об инвестиционном комитете АКБ “Узпромстройбанк” в новой редакции (приложение 7).

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

18. Увеличить уставный капитал СК ООО “PSB Insurance” за счёт прямых инвестиций денежных средств банка дополнительно ещё на 4 415,0 миллиона

сум. Разработать стратегию развития компании предусматривающую расширения бизнеса и виды оказываемых услуг.

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

19. Учитывая заключение юридической службы банка от “13” июля 2020 года № 04-22/430 (приложение 16). Утвердить рыночную стоимость доли Банка в уставном фонде ООО “Qurilish Lizing” размере 2 555 697 120,51 (два миллиарда пятьсот пятьдесят пять миллионов шестьсот девяносто семь тысяч сто двадцать сум 51 тийин) сум или 46,87 процента для реализации потенциальным инвесторам равной её номинальной стоимости.

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

20. Утвердить решение Инвестиционного комитета банка об инвестировании 8 (восемь) млрд.сум в акции акционерного общества “Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана”.

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

23. Утвердить “Дивидендную политику АКБ “Узпромстройбанк” в новой редакции (приложение 20).

Результаты голосования.

Голосовало: 9 членов, в том числе

“за” – 9 голосов, “против” – нет, “воздержался” – нет.

Корпоратив маслахатчи



К.Алимов

Котиб



Д.Абдукадиров



"O'ZBEKISTON SANOAT-QURILISH BANKI" AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI
АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК "УЗБЕКСКИЙ ПРОМЫШЛЕННО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ БАНК"

BOSHQARUV QARORI

Тошкент ш.

№ 65/8

2020 йил 22 ИЮН

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг янги таҳрирдаги Дивиденд сиёсати лойиҳасини кўриб чиқиш ҳақида

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг амалдаги Дивиденд сиёсати Банк Кенгашининг 2019 йил 7 февралдаги 11/2019-сонли қарори билан тасдиқланган.

Мазкур Сиёсат тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинган.

Шунингдек, Банкни трансформация қилиш жараёнига консултант (маслаҳатчи) тариқасида жалб қилинган Халқаро молия корпорацияси томонидан бу борада бир қатор тавсиялар берилган.

Шу муносабат билан ҳамда Дивидент сиёсатини қонунчиликнинг янги талабларига мувофиқлаштириш мақсадида Банкнинг Ҳазначилик департаменти томонидан Сиёсатнинг янги таҳрири ишлаб чиқилган.

Банк Уставининг 46.3-банди ҳамда “Банк Кенгаши тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандига асосан Банкнинг сиёсатларини ва тегишли ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш Банк Кенгаши ваколатига киритилган.

Банк Бошқаруви тўғрисидаги низомга кўра, Банк Кенгашига киритиладиган масалалар дастлабки тарзда Бошқарув томонидан ўрганиб чиқилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг янги таҳрирдаги Дивиденд сиёсати тасдиқлаш учун Банк Кенгаши муҳокамасига киритилсин.

2. Банкнинг Ҳазначилик департаменти (Х.Ақбаров) мазкур сиёсат Банк Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг тегишли таркибий бўлинмалар ва банкка алоқадор шахсларга етказилиши ҳамда қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда манфаатдор шахсларга тақдим этилиши таъминласин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А.Ақбаржонов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси

С.Аннакличев

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари


Бошқарув Раиси
ўринбосари

Юридик департамент
директори

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори

Киритилди:

Ғазначилик департаменти
директори



А.Ақбаржонов

А.Эргашев


Я.Абдуроззоков

З.Азимов

У.Таваккалов

Б.Норхужаев

О.Воҳидов



Х.Ақбаров

Методология бошқармасида
2020 йил “24” июл да
4/8 -сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Кенгашининг

2020 йил “8”

даги

10/17 - сонли қарорига

20 - ИЛОВА



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Дивиденд сиёсати
(янги таҳрири)

I. Умумий қоидалар

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Инвестиция сиёсати Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель), “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 943, 2000 йил 5 июль), “Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталда қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами 1894, 2009 йил 2 февраль), “Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 860, 1999 йил 28 декабрь) Низомлар ҳамда “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидалари (рўйхат рақами: 2886, 2017 йил 23 май) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Дивиденд сиёсати “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) тизимида тегишли молиявий йил давомида олинган Банк соф фойдасини акциядорлар ўртасида тақсимлаш, дивиденд тўловлари миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

3. Дивиденд сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
дивидендни акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимлаш;
ҳисобланган дивиденд маблағларини белгиланган муддатларда Банк акциядорларига тўлаб бериш.

II. Дивидендларни тўлаш тартиби, муддатлари ва шакллари

4. Дивидендлар Банкнинг банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банкнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

5. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йил якуни бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши лозим.

8. Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

9. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

10. Дивиденд миқдори тугалланган муайян давр мобайнида Банкнинг молиявий фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Дивиденд тўловларига барча солиқ ва мажбурий тўловлар амалга оширилгандан ва Банк фаолияти қайта инвестициялангандан сўнг Банк ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми йўналтирилади.

11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк Уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

12. Дивидендлар—биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Банк мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

13. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банк томонидан банкнинг фақат

шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

14. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув Кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида Банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банклар қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу банд биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси Банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

Банк қуйидаги ҳолатларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий нормативларнинг бузилиши ҳолати мавжуд бўлганда, шунингдек дивиденд тўланиши билан ушбу меъёрларнинг бузилиши келиб чиқиб кредитор ва омонатчиларнинг манфаатларига жиддий хавф туғилганда дивидендлар тўланишининг тўхтатилиши тўғрисида кўрсатма берилганда;

15. Акциялар бўйича дивидендлар акциядор томонидан қайси валюта бирлигида бадал киритилганлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

16. Банк Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб беради.

17. Дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Банкнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар

миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Акциядор Банк томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

19. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Банк ихтиёрида қолади ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан Банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобварағига қайтарилади ва ушбу дивиденд тўловлари бўйича мажбуриятлари тўхтатилади.

20. Банкнинг қимматли қоғозлари эгалари ҳисобланган дивидендларни акциядорлар умумий йиғилишида белгиланган муддатларда олмаган тақдирда, Банк томонидан бундай (талаб қилиб олинмаган) дивидендлар тўлови муддати давом эттирилади.

21. Акциядор ўзига тегишли маълумотларни ўзгарганлиги тўғрисида, унинг акцияларига бўлган ҳуқуқининг ҳисоби бўйича хизмат кўрсатувчи инвестицион воситачига ва/ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийга ўз вақтида маълумот беришга мажбур. Ўзига тегишли маълумотларни ўзгарганлиги тўғрисида тақдим қилмаган ҳолатларда Банк акциядорга ушбу етказилган зарарлар бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

22. Агар акциядор ўз банк реквизитларини ёки дивиденд тўлови ўтказиладиган манзилни нотўғри кўрсатган бўлса ёки Банкка реквизитлар тўғрисида маълумот бермаган бўлса ёки у ҳақда ўз вақтида хабар бермаган бўлса, Банк бу ҳолатлар бўйича етказилган зарарларни ўз зиммасига олмайди. Акциядорнинг хатоси билан кўрсатилган манзилга ўтказилган дивиденд тўлови қайтарилгандан сўнг, аниқ кўрсатилган манзилга такроран ўтказиладиган тўлов унинг қайтарилиши ва такрор ўтказилиши бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

23. Оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тенг ҳуқуқ асосида Банк томонидан тўлаб берилади. Банк йирик акциядорга дивиденд тўлаши натижасида миноритар акциядорга ҳисобланган дивидендни белгиланган муддатларда тўлаб беришни таъминлай олмаса мазкур йирик акциядорга дивиденд тўлашга ҳақли эмас.

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталининг беш ва ундан кўпроқ улушини сотиб олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиш талаб этилади. Мазкур талаб бажарилмаган тақдирда акция эгалари дивидендлар олишга ҳақли эмас.

Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган

юридик шахслар, акциядорлар, охирги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

24. Дивидендларга солиқ солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

III. Дивидендларни ҳисоблаш

25. Банкнинг соф фойдаси акциядорлар ўртасида тақсимланиши амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва Банк Уставида кўзда тутилган тегишли чегирмалар ва капитализация бўйича чора-тадбирлар ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

26. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оралиқ (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йил якуни бўйича) дивидендлар тўлаш миқдори ва шакли тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, ушбу оралиқ дивидендларнинг ҳисоби амалга оширилади.

27. Дивидендлар қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\sum \partial = \frac{Ac * H * k}{100}, \text{ бунда:}$$

$\sum \partial$ – дивиденд суммаси;

Ac – Банк акциядорлари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри шакллантирилган санадаги акциялар сони;

H – Банк акцияларининг номинал қиймати;

k – Акциядорлар умумий йиғилишининг оралиқ дивидендларни ёки йиллик дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорига асосан дивидендлар тўлаш бўйича фоиз ставкаси (%).

Йиллик дивидендларни тўлаб беришда тўлов миқдори тўланган оралиқ дивидендлар миқдори чегирилган ҳолда аниқланади.

28. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

29. Дивидендларнинг ҳисобланиши бухгалтерия ўтказмалари “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (рўйхат рақами: 1885, 2009 йил 19 январь) талаблари асосида амалга оширилади.

IV. Якуний қоидалар

30. Мазкур Дивиденд сиёсатида белгиланган талаблар бажарилишини ташкил этиш ҳамда Бош банк таркибий бўлинмалари ва филиаллар томонидан унда белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан жорий назорат Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

31. Дивиденд сиёсати талаблари ижросини таъминлашда “Тижорат банкларида

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат” Қоидаларига тўлиқ амал қилинади.

32. Мазкур Дивиденд сиёсати янги таҳрирда тасдиқланиши муносабати билан Банк Кенгашининг 2019 йил 23 мартдаги 15/2016-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Дивиденд сиёсати ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Киритилди:

Ғазначилик департаменти
директори



Х. Акбаров

Келишилди:

Ички назорат департаменти
директори



Б.Шаймарданов

Риск менежмент департаменти
директори



З.Усманов

Методология бошқармаси бошлиғи



Ш.Низаметдинов

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро ҳуқуқий муносабатлар
ва ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси
бошлиғи



О. Сулаймонов